

Усмонийлар

05:00 / 24.02.2017 79699

УСМОНИЙЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ. ЭРТЎҒРУЛ. Турклар Ислом динини IX-X асрлардан Ўрта Осиёда яшаётган пайтларидаёқ қабул қилган эдилар. Жануб томон XI асрда силжий бошлаган туркларнинг бир шохобчаси Салжуқ бошчилигида Форсда жойлашиб қолиб, 1055 йилда Бағдодни босиб олди. Иккинчи шохобчаси – ғурийлар Қобулни эгаллаб, у ерда ўз ҳокимиятини ташкил этдилар. Бошқа бир кичик шохобча Форс ва Ироқ орқали ўтиб, монголлар истилоси даврида Фурот дарёсининг юқори қисми соҳилларида маълум вақтгача қарор топдилар. У пайтда ҳали мусулмонлар ўз эътиқодлари учун салибчиларга қарши жанг олиб боришаётган эдилар. Ҳамма жабҳаларда – Кичик Осиёда ҳам, Шомда ҳам кўнгиллиларга эҳтиёж сезиларди. Туркларнинг кўпгина гуруҳлари шу минтақада бориб-келиб юришди, айримлари элхонлар ҳукмронлиги даврида бекликларни қўлга киритдилар. Ана шундай гуруҳлардан бирига Усмон исми турк саркори бош бўлиб, унинг тарафдорлари усмонли турклар деб аталадиган бўлдилар (кейинроқ уларни оврупоча талаффузда «усмонийлар» деб номлай бошладилар). У ўзи бошқарган кўплаб жанглардан бирида ҳалок бўлганидан кейин ўғли Эртўғрул Кўнйонинг салжуқий султони Алоуддин II хизматига ўтади. Жасур жангчилари билан донг таратган бу туркларни султон византияликларга қарши савашда синаб кўрмоқчи бўлди. У Эртўғрулни Мармар денгизининг жанубий соҳилида жойлашган Сўғундга бек қилиб тайинлаб, унга чегара посбонлигини топширди. 1289 йили Эртўғрул вафот этгач, қабилага бошчилик ҳамда чегара туманига эгалик қилиш унинг ўғли Усмон ихтиёрига ўтди.

УСМОН I (1290-1326 йиллар). Усмон усмонийлар давлатининг асосчиси ҳисобланиб, унинг номини турклар ҳозир ҳам ҳурмат билан тилга оладилар. У ўз халқини буюклик даражасига кўтаришни орзу қиларди. Салжуқийлар ва ғурийлар қўлга киритган ютуқларни яхши билган Усмон, нега менинг халқим ҳам шундай улуғ тақдирга арзимас экан, деб ўйларди. Унинг олдида турган ойдин вазифа Византия империясини тор-мор келтириш эди. У Ғарбга ўз империяси сифатида қарамоқчи бўларди, бунга эришмоқ учун эса халқига куч-қувват ато этиши зарурлигини яхши биларди. У византияликларни енгиб, ҳеч бўлмаганда уларнинг Кичик Осиёдаги истеҳкомини – кўҳна Бурса шаҳрини ёки Никодемияни забт этиб,

лоақал кичикроқ мустақил бир амирликка эга бўлиб олгач, Мармара денгизи орқали Триест таянч нуқтасини қўлга киритиши даркор эди. Усмон ўғли Ўрхон билан биргаликда ана шуларнинг ҳаммасига эриша олди. Саргузашт ишқибози бўлган кўпгина мусулмонлар, савдогарлар, ҳатто яҳудийлар унга келиб қўшилдилар. Улар мададидан куч-қувватга тўлган Усмон византияликларга қарши бир неча ғазавот уруши олиб бориши натижасида Мелангнор шаҳрини забт этди ва унга Қаржаҳисар номини бериб, ўз пойтахтига айлантирди. Сўнгра муҳим Бурса қалъасини қамал қилдики, бу шаҳар 1326 йили, яъни унинг вафоти йили таслим бўлди. Кичик бир давлатига амир бўлган Усмон ўзини мустақил деб эълон қилиб, жонажон туркларини буюк мақсад сари бошлаб борди. Уларга интилиш ва қаҳрамонона ҳаракатлар васият қилди. Унинг ўрнини Ўрхон I эгаллади.

ЎРХОН I (1326-1359 йиллар). Ўрхон I Усмоннинг жасадини катта дабдаба билан Бурса қўрғонидаги черковга дафн эттирди. Шундан буён масжидга айлантирилган бу иморат турк султонларининг даҳмаси бўлиб қолди. Ўрхон Никодемияни босиб олиб, у ерда биринчи турк мактабини очди. Ажойиб фазилатлари билан яхши маълум Довуд ал-Қайсарий унга раҳбар этиб тайинланди. Ўрхон отаси анъаналарини давом эттириб, 1330 йили Филокрин яқинида византияликларга зарба берди, шаҳарни эгаллаб, у ерда мактаблар ҳамда саноат корхоналарини очдирди. Миллатнинг ҳақиқий бунёдкори сифатида у барча эски юнон билимгоҳларини сақлаб қолди: уларни Ислом тартиб-қоидаларига мослаштириб, ўзиники қилиб олди. Қўшинларини қайта қуриб, ғоят истеъдодли додхоҳ Қора Халил Жондорли Хайриддин Пошшони уларга бош қилиб қўйди. Деярли бутунлай отлиқ аскарлардан иборат турк қўшинлари учун янгича пойабзал кийишни урф эттирди. «Жоннисорлар» (дин учун ўлимга ҳам тайёрлар) деб номланган ҳарбий қисм ташкил қилдики, у кейинчалик шон-шавкати ҳамда чексиз садоқати жиҳатидан турк қўшинларида энг яхши қисмга айланди. Унинг аъзолари жоннисорлар номини олдилар. Дастлаб қарам насроний ўлкаларнинг фарзандларидан ҳам улар сафига олишиб, алоҳида имтиёзли шароитларда таълим берилди. Бу йигитларнинг кўпларидан машҳур додхоҳлар етишиб чиқди, уларнинг ҳаммаси мусулмон саналарди. Султонга мутаассибларча содиқ кишилардан ташкил топган бу қисм махсус қўшин сифатида донг таратди. Жоннисорлар қарийб уч юз йил мобайнида етакчилик қилишиб, кейин айниб кетдилар.

ЎРХОН ВА ВИЗАНТИЯЛИКЛАР. Шу даврга келиб Византия империяси анча кичрайиб қолганди. Аввалига салжуқийлар, сўнгра усмонийлар византияликларни Кичик Осиёдан суриб чиқардилар. Жануби-шарқий Овруподаги Византия императорининг давлати сербларнинг куч-қудратга тўлиб келаётган давлати томонидан қулатилди. Булғорлар ҳам ҳужумга ўтдилар. Венеция давлатларини ҳамда Генуя Эгей денгизидаги бир нечта оролни эгалладилар. Ана шундай бир пайтда император Андроникус III вафотидан кейин (1331 йил) унинг беваси Анна император хоним бўлиб, Кантакузин исмли кимса эса унга муваққат васийликни ўз зиммасига олди. Тез орада улар ўртасида келиб чиққан низо натижасида Кантакузин Ўрхон I билан иттифоқ тузаркан, унинг қизи Теодорага уйланиб, эвазига вақтинча олти минг кишилик қўшин ажратиб беришни илтимос қилди. Кантакузин турк отлиқ аскарлари ёрдамида Аннани енгиб, ўз рафиқаси билан биргаликда императорликка кўтарилди. Тўрт йил ўтиб, 1349 йили серблар Византияга қарши қўлга қурол олганларида император Константинопол маликаси билан биргалашиб, иккинчи бор турк қўшинларини ёрдамга чақиришди. Ўрхон яна йигирма минг отлиқ ва пиёда аскарлари билан мададга келди. Тўрт йилдан кейин Кантакузин император хоним Аннанинг балоғатга етган ўғли Жон Палеолугос билан жанжаллашиб қолиб, тағин қайнотасидан кўмак сўрашга мажбур бўлди. Бу гал у Ўрхонга мамлакатнинг Халлеспонта деб аталган Оврупо қисмидаги Тзимпе қалъасини ишониб топширди. Ўрхон ўз ўғли Сулаймонга ваколат бериб, кучли ҳарбий қисм билан шу қалъага жўнатди. Тадбиркор йигит Сулаймон зилзила сабабли Галлиполи қалъаси вайрон бўлганлигидан фойдаланиб, уни ҳам эгаллади. Кантакузин бунга норозилигини баён қилганида Ўрхон тез-тез кўрсатилиб турилган ёрдам олдида шу хароба қалъани арзимаган нарса, деган фикр билдирди. Бундай муомала асло маъқул тушмаган император тўполон кўтариб, насроний дўстлари – серб ва булғор қиролларидан ёрдам сўраганида улардан рад жавобни олди. Бу воқеа византияликларнинг Кантакузинга нисбатан ғазабини аланга олдириб юборди. Уни сотқинликда айблашиб, тахтдан воз кечишга мажбур қилдилар. Фурсатдан фойдаланиб, Жон Палеолугос турклар қалъани тарк этишлари учун жон куйдирди, лекин унинг бу режаси рўёбга чиқолмай қолди. Чунки турклар у ерда маҳкам ўрнашиб олган эдилар. Улар ҳозир ҳам шу ерда муқим яшаб келишяпти. Сулаймон отидан йиқилиб қаза қилганида Ўрхон жуда қаттиқ куйинди. Унинг ўзи севимли ўғлидан бир йил кейин, 1359 йилда вафот этди. У яхши раҳнамо, буюк ташкилотчи, ажойиб маъмур ва миллатнинг вужудга келишида ҳақиқий бош бўлган киши эди.

МУРОД I (1359-1381 йиллар). Ўрхон ўрнига Онодўлида хизмат қилаётган пайтидаёқ Ангорани эгаллаган иккинчи ўғли Мурод келди. Ўрхон вафотидан кейин савдогарларнинг оқий бирлашмаси ёрдамига таянган онодўлиликлар қўзғолон кўтаришди. Мурод тезда орқага қайтиб келиб, қўзғолонни бостиргач, Триест довонидан ошиб ўтиб, Демостикени ўзига қароргоҳ қилиб белгилади. Шу ердан туриб у Болқон шахзодаларига қарши кўплаб чора-тадбирларни амалга оширди. Мурод 1362 йили Адрианополни забт этиб, пойтахтга айлантиргач, Константинополни Болқондан ажратиб олди. Сўнгра Болқон князликларини кетма-кет қўлга кирита борди. Унинг Эвренос ва Лала Шалин исмли додхоҳлари Тчорлу ва Кирк Килисса қалъаларини эгаллашди. Энди қўшин тортиб келиш навбати Византия императорига етган эди, бироқ Мурод Эски Бобо бўсағасида уни мағлубиятга учратиб, Филипполини ҳам қўлга киритди. У ҳужумни тўхтатмаган ҳолда Болқон тоғларигача бўлган барча ерларни босиб олди. Шу билан Мурод Болқон халқи қалбига титроқ соладиган раҳбарга айланди, булғор қироли Шишам эса товон, солиқ тўлашга ҳам рози бўлди.

ТУРКЛАРГА ҚАРШИ ДАСТЛАБКИ САЛИБ УРУШИ. Салиб юришлари якун топган эди. Шом забт этилиб, яна қўлдан чиқарилганди. Салибчиларнинг Фаластиндаги сўнгги қалъаларини мамлуклар тортиб олганларидан буён юз йиллаб давр ўтиб кетган бўлса-да, Папа ғарб салибчиларининг маънавий отаси сифатида ҳали ҳам маънавий тазйиқ ўтказиб туришга қодир эди. Шундай қилиб, Византия императори ёрдам сўраб мурожаат қилганида Папа Урбан V Оврупо тождорлари эътиборига эски шиорни ҳавола қилди. Жавоб ҳам илгаригидек бўлди. Мусулмонлар дегани қандай халқ ўзи? Уларни монголлар синдира олмаган, торторлар йўқ қилолмаган бўлса!.. Мана яна бош кўтариб чиқишяпти. Бу гал Оврупонинг бошқа бир бурчагидан... Бу саволлар ҳаммининг ақлини банд қилган эди. Салибчилар йиғилишиб, бошчи қилиб сайлашган Асмодеус Савойский ўз ҳарбий денгиз кучлари ва қўшинларини ҳозирлаб, Галлиполини босиб олганида турклар унга ҳужум қилиб, ҳайдашлари билан салиб юриши ҳам тугади. Лекин бу туркларга қарши юришларнинг сўнггиси эмасди. Шундан кейин Болқон давлатлари Сербия қироли раҳнамолигида бирлашиб, турклар қароргоҳига ҳужум қилдилар. 1371 йилда Мариъа дарёси яқинида ниҳоятда катта жанг бўлиб ўтди. Серблар ва уларнинг иттифоқчилари тор-мор келтирилиб, Мурод Македонияни эгаллади. У энди ҳатто Албания ва Юнонистонга ҳам юришлар уюштира бошлади. У Болқонда беқиёс катта қудратга эга бўлганлиги натижасида Константинопол императори Жон Палеологус турк

султони қарамлигига тушиб қолди.

ЗАФАРЛАР ДАВОМИ. КОСОВО ЖАНГИ (1389 йил 20 июн). Муроднинг додхоҳлари, айниқса, Хайридин Жондорли ва Ҳожи Элберзи амирнинг ўзи сингари дилбар кишилар эди. Улар навбатдаги янги ғалабалари арафасида муайян тадбирларни амалга оширдилар. Румелия пойтахти София 1385 йилда, Ниш шаҳри 1386 йилда қўлга киритилди. Бу ғалабалар туфайли турклар кучига куч қўшилиб, Сербия қироли Лазар ҳам Мурод I га итоат қиладиган бўлди. Италия жумҳуриятлари Муроддан савдо-сотиқ шартномаларини қўярда-қўймай талаб қила бошладилар. Генуя жумҳурияти эса у билан биринчи бўлиб савдо битими тузди. 1388 йили Венеция бундан намуна олиб, Мармар денгизи орқали сузиб ўтиб, Русия ҳамда Қора денгиз соҳилидаги бандаргоҳлар билан савдо-сотиқ қилиш ижозатига эришди. Булғор подшоҳи Шишам III унга синглисини хотинликка бериб, иттифоқ тузган бўлса ҳам, Болқондаги бошқа давлатлар, серблар ва боснияликлар тазйиқи остида туркларни олға боришдан тўхтатишга яна бир бор уриниб кўрди. У жуда катта қўшинни сафарбар этганлиги натижасида насронийлар бироз устунлик қилган бўлсалар-да, додхоҳ Хайридин Жондорлининг ўғли Али Пошшо Тирново ва Шумлу шаҳарларини босиб олди. Шундай пайтда бошқа бир иттифоқ вужудга келиб, Болқондаги барча давлатлар туркларга қарши уюшдилар. Серблар, булғорлар, боснияликлар ҳамда валахияликлар серб қироли Лазар саркардалигида бирлашувлари натижасида 1389 йил 20 июнда Косовода буюк жанг бошланиб кетди. Турклар иттифоқчиларини тор-мор қилиб, уларга қақшатқич зарба бердилар. Мурод жангда қурбон бўлди, лекин унинг ўғли шаҳзода Боязид олишувни давом эттирди. Қирол Лазар ҳам савашда ўлдирилиб, уруш тамом бўлди.

МУРОДНИНГ ЮТУҚЛАРИ. Усмон усмонийлар отаси, Ўрхон эса подшоҳлик асосчиси ҳисобланса бўлади. Лекин шу подшоҳликни империяга айлантирган киши Мурод I эди. Бу буюк фотиҳ Болқон халқларининг адабини шу даражада бериб қўйдикки, турклар Овруподаги ҳар бир уйда оғиздан тушмайдиган бўлиб қолди. Жасурлик, қатъият ва тадбиркорлик унга хос хусусиятлар эди. У, шунингдек, яхши дипломат ҳисобланарди. Истило натижасида нимагаки эришган бўлса, ҳаммасини шартнома ёки иттифоқ тузиш ёхуд савдо битимлари воситасида қўлга киритди. У ўғли Боязидни Кариме (Қрим) амирининг қизига уйлантириб, қудасига тегишли

давлатнинг бир бўлагини келиннинг сепи-совғаси сифатида ўзига қўшиб олди. Ҳамид давлатининг ҳар қисмини сотиб олиб, Кичик Осиёда ўз тасарруфи доирасини кенгайтирди. Урушда у душманларига даҳшат соларди. Унинг даврида турк қўшинлари Дунай дарёсини ҳам кечиб ўтдилар. Қўшинлари эса Оврупода пешқадам эди. У шон-шараф анъаналарини мерос қилиб қолдирдики, авлодлари уларни узоқ давр давомида авайлаб-асрадилар.

БОЯЗИД I (1389-1402 йиллар). Мурод ўрнига келган шаҳзода Боязид ўз аждодларига хос бутун жасоратини намойиш қилди. У Косопадаги ғалабани сабот билан охирига етказиб, сербларнинг янги қироли Стефанни таслим бўлишга мажбур қилди. Қўшинлари бошида Валахияга (ҳозирги Руминия) кириб олгач, унинг шаҳзодасини тоvon тўлашга мажбур этди. Бутун Булғория ҳам туркларнинг тобора кенгайиб бораётган империяси таркибига кирди. Боязиднинг ўғли Сулаймон Тирновони, Никополис, Велдин қалъаларини ва Силистрияни эгаллаб, шу билан турклар Можаристон сарҳадларига чиқиб олдилар. Султон бу давлатга ҳам қўшинларини йўллади. Жанубда унинг денгиздаги кучлари Эгей оролларига ҳужумни бошлаб юбордилар. Китобимизнинг IX бобида эслатиб ўтилганидек, у ўз бошига бало орттириб, Византиянинг Кичик Осиёдаги сўнгги қўрғони бўлиб турган Филадельфияни ҳам қўшиб олгач, бутун Кичик Осиёни забт этиб қўя қолиш тўғрисидаги хаёлга бориб қолди. Бироқ шунгача Боязид Константинополни қамал қилиб турган эди. Қамал саккиз йил (1391-1398 йиллар) давом этди. Шу давр ичида у бировларни императорликка тайинлади, кимларнидир тахтдан ағдарди, лекин шаҳарни босиб ололмади. Чунки Можаристон қироли Сигизмунд бошчилигида Оврупо насронийлари туркларга қарши янги салиб юришини бошлаб юборган эдилар. Болқондаги барча ҳукмдорлар ҳамда Англия, Фарангистон ва Олмониянинг паҳлавон жангчилари салибчиларга қўшилдилар. Уларга Папа ҳам ён босди, Можаристон ва Генуя тижоратчи давлатлари ёрдам беришди. 1396 йил 25 сентябрда Никополис учун бўлган жангда туркларни қарши олган салибчилар мағлубиятга учрадилар. Турклар уларнинг қўшинларини том маънода қиймалаб ташлашди. Шундан сўнг турк қўшинлари Юнонистон устига юриш қилиб, уни ҳам босиб олдики, бу Боязид давлати шуҳратининг чўққиси бўлди. Шундай шон-шуҳратдан эсанкираб қолган Боязид ўзидан устун Темурга қарши жанг бошлаб, мағлуб бўлди ва тутқунликда ўлиб кетди. Унинг вафотидан кейин ўғиллари орасида ўзаро олишув бўлиб, 1413 йилда шаҳзода Муҳаммад

ғолиб чиқди.

МУХАММАД (1413-1421 йиллар). Муҳаммад ҳаммаси бўлиб саккиз йилгина мамлакатни бошқарди. Лекин бу йилларнинг ҳеч бири бекор ўтмади. Энг аввало у усмонийлар империясида тартиб ўрнатди. Ўзларини ўнглаб олган болқонликлар Боязид авлодларининг ўзаро талашувларидан фойдаланиб гоҳ у ер, гоҳ бу ерда бош кўтара бошлаган эдилар. Муҳаммад султон бўлгач, ана шундай кўтарилишларга қаттиққўллик билан чек қўйди. Лекин туркларга ашаддий душман бўлиб қолган венеъияликлар шунга қадар Галлиполига ҳужум қилиб, уни босиб олишга улгуришган эди. У қадар қудратли бўлмаган ҳарбий-денгиз кучларига эга Муҳаммад Венеъиянинг денгиз кучларига қарши тура олиш мақсадида бу мамлакат билан сулҳ битими тузди. Бироқ шу пайтда бошқа муаммо келиб чиқди: мусулмонларга мансуб бир бидъатчи ўзини ҳалоскор деб эълон қилди. Кичик Осиёдаги ғарбий соҳил бўйлаб ҳаракат бошлаган бу киши Бадриддин Маҳмуд бўлиб, у асл соъиализм ғоясининг5 кўплаб тарафдорларини йиғишга эришди. Султон Маҳмуд Бадриддинга қарши юборган қўшин мағлубиятга учради. У бошлаган бошқа бир юриш ҳам барбод бўлди. Ниҳоят шахзода Мурод Оврупо Туркиясининг саркардаси Боязид Пошшо ҳамроҳлигида катта қўшинга бош бўлиб бориб, Бадриддин кучларини тор-мор келтирди ва бидъатчиликни ҳам таг-томири билан тугатди. Муҳаммад қазо қилгач, Мурод тахтга ўтирди.

МУРОД II (1421-1451 йиллар). Тахт эгаси Мурод ҳали жуда ёш эди. Насронийлар уни ағдариб ташлашни осон кўрдилар. Туркларни яқсон қилиш орзуси овруполиклар қалбида пишиб етилган эди. Ўзини султон Боязиднинг ўғлиман, бинобарин, Муродга амаки бўламан, деб овоза қилиб юрган Мустафо исмли киши Константинопол императорига жуда қўл келиб, у қўзғолонга даъват билан бирга қўшин ва пул бергач, Мустафо Муродга ҳужум қилиб, Адрианопол остонасида ғолиб чиқди. Лекин Туркиянинг Осиё қисми ёрдамига таянган Мурод Константинополга ҳужум қилди, император эса ёрдам сўраб Венеъияга мурожаат этди. Венеъия денгиз кучлари унинг орқа томонидан шу қадар шиддатли ўқ ёғдирдики, натижада Мурод ўзини қуршовда қолдирди. Венеъия ҳатто Салоникини Юнонистондан ажратиб олиб, унинг билан иттифоқда турклар эгаллаб турган жойларга ёпирилиб бордилар. Шу оралиқда Мурод венеъияликларнинг Эгей денгизида эгаллаган мавқеларига қарши ўз

денгиз кучларини юборди. 1430 йили Салоникини қўлга киритган турклар у ерда туриб қолмасдан, яна илгарилаб бориб Қибрисни ва Албаниянинг катта қисмини забт этдилар. Ўша пайтда Венеъияда нотинчлик эди, чунки унга Милан давлати ҳужум қилишга ҳозирланаётганди. Шу сабабли венеъияликлар чақириб олиниб, ғолиблик Мурод иккинчига насиб қилди.

ЖОН ХУНЁДИ - МОЖАРИСТОН ҲИМОЯЧИСИ (1442 йил). Айни куч-ғайратга тўлиб-тошган Мурод Можаристонга қўшин юборди, лекин унинг юриши ноқулай вақтга тўғри келди. Можар халқи ўзига раҳнамо топган эди. Кўплаб ажойиб фазилатлар соҳиби Жон Хунёди ана шундай зот бўлиб чиқди. Юртдошлари бу ғоят машҳур саркарда бошчилигида жанг қилишдан ўзларида мамнуният сезардилар. Хунёди садоқатли қўшинини туркларга қарши зафарли савашга бошлаб борди. Бу ғалаба тўғрисидаги хабар бутун Оврупони қувонтирди. Ниҳоят туркларни енга олган раҳбар ўзлари ичидан чиққанлигидан насронийлар бениҳоя хурсанд эдилар. Шунинг учун улар янги салиб юришини бошлаш фурсати етди, деган хаёлга бордилар. Папа ҳам зўр умидлар билан ҳамма ёққа ўз хабарчиларини йўллади. Болқондаги барча халқлар бунга хушнудлик билан жавоб бердилар. Можарлар, боснияликлар, валахияликлар ва серблар аллақачон керакли жойда шай туришарди. Муқаддас ишдан поляклар ҳам четда қолмадилар. Салибчилар бошида эса Жон Хунёди турарди. У Нишни босиб олиб, София томон йўналди. Мурод олдида иккита имконият турарди. Биринчидан, унинг қўшинлари аллақачон енгилган бўлиб, бундай катта кучга муносиб қаршилик уюштиришга ҳозирча вақти йўқ. Жангга киришадиган бўлса, яна мағлубиятга учраши мумкин. У аламли ечимга келиб, сулҳ тузиш тўғрисидаги музокарага борди. 1443 йилги Шежедин сулҳига кўра, Мурод Сербиядан воз кечиб, Можаристон қиролига Валахияни инъом этганидан кейин ўн йилга тинчлик ўрнатилди. Бу доно қарор бўлса ҳам, Муроднинг дилини пора қилганди. У номус ўтида қаттиқ куйинганлигидан ҳатто тахтидан воз кечиб, уни ўн тўрт яшар ўғлига қолдирганича ўзи Онодўлига қайтиб келди.

1444 ЙИЛГИ САЛИБ ЮРИШИ. Оврупо тантана қилмоқда. Беҳад хурсанд Папа кўнглидан «Мана ниҳоят туркларни ҳам тинчитдик», деган фикр ўтди. Насроний ҳукмдорлар битимни тан олишмади, эҳтимолки, Папа салиб юришини олиб бориш мақсадида шундай бўлиши учун оёқ тираб туриб олгандир. Можаристон қироли барчанинг фикрини қабул қили, Булғорияга

қўшин тортди. Бунга венеъияликлар ҳам қўшилишга рози бўлдилар-у, бироқ салибчилар билан Варнада бирлашиш учун ўз денгиз кучларини юбориш ниятида эканликларини билдирдилар. Бу миллий бухрон эди. Салибчилар ҳужумга ўтиб, империя хавф остида қолди. Турк зодагонлари эса Муродга қўрқинчли миш-мишлар етказиб, унинг йўлидан қайтишини ўтиниб сўрадилар. Ёлғизликдан зериккан Мурод Адрианополни кесиб ўтиб, турк қўшинларига саркардалиқни қабул қилди. Бундан илҳомланган турклар қўрқув туйғусини унутдилар. Мурод салибчиларни Варнада қарши олиб, тор-мор келтирди. Можаристон қироли Владислав жангда ҳалок бўлди. 1448 йилда Жон Хунёди катта қўшин билан яна қайтиб келди, бироқ Мурод 17 октябрда Косовода бўлиб ўтган иккинчи савашда уни енгиши натижасида ўзининг барча ерларини қайтариб олди. Султоннинг номи яна Оврупода ваҳима уйғотадиган бўлди.

МУРОД II - ҲУКМДОР. Кўпгина жозибали фазилатларга эга бу ғоят машҳур султон усмонийлар империясига чексиз садоқатли раҳбар, йирик ҳарбий саркарда ва донгдор инсон саналарди. У ўз хатти-ҳаракатларида қатъиятли, адолатли, меҳр-оқибатли эди. Фан ривожини рағбатлантириб турарди, кўпгина араб ва форс мумтоз асарлари унинг даврида турк тилига ўгирилди. Тобора оммалашиб бораётган бу тилда насрий ва шеърий асарлар ёзила бошланди. Мурод тақводор инсон бўлса ҳам, ғайридинлардан инсонпарварлик муносабатларини аямасди. Насроний бандилар билан муомаласи унга халқаро иззат-ҳурмат келтирди. Ҳамма жойда унинг фикри билан ҳисоблашардилар, чунки билардиларки, у ҳеч қачон айтганидан қайтмайди. Мурод ажойиб усмоний султонларидан бири эди.

МУҲАММАДНИНГ ЗАБТКОРЛИГИ (1451-1481). Энди тожу тахт энг йирик турк султонларидан бирига – Муҳаммад алайҳиссалом динининг жонкуяри сифатида Забткор номи билан шуҳрат қозонган Муҳаммад II га тегди. Тахтга ўтирганида энди 21 ёшда бўлган бу йигит ўттиз йил подшоҳлик қилди. Амир Муовия давридан бери кўплаб қамалларга бардош бериб, Ислон кучларига таслим бўлмаган Константинополни босиб олишни ўзига мақсад қилиб қўйди. Унинг императори туркларга қарам бўлиб, солиқ тўлаб турарди, шаҳар барча овруполиклар учун ва, айниқса, юз эллик йил мобайнида турклар билан жангу жадаллар олиб борган Шарқий Оврупо насронийлари учун очиқ эди. Илгариги султонлар Босфорнинг Осиё

қисмида, Константинополга бевосита яқин бўлган Онодўли Ҳиссор деб номланган жойда қурдирган қасрини у Румели Ҳиссор, яъни Оврупо саройи деб атади. Қалъа қуриб тугатилгач, Муҳаммад ўрта асрлар охирида ўз номи билан боғлиқ машҳур бўлиб қолган қамалларидан бирини амалга оширишга киришди.

КОНСТАНТИНОПОЛНИНГ БОСИБ ОЛИНИШИ (1453 йил). Эски шаҳарда 10 минг аскар бор эди. Венеъияликлар ва юнонлар туркларнинг шу атрофдаги ҳарбий-денгиз кучлари устунлигига қарамасдан, қуршовда қолганларга ёрдамга келдилар. Шаҳар шарқ томондан ҳимоя қилинди. Чунки византияликлар йўфон чўян занжир тайёрлатишиб, у билан Олтиншоҳ кўрфазини бирорта кема киролмайдиган даражада тўсиб қўйган эдилар. Муҳаммад II шаҳарнинг қувватли деворларини ғарбий ва шимолий томондан ўққа туттирди, бироқ эпчил ҳарбий қисм унинг ўпирилган жойларини зудлик билан ямаб турарди. Муҳаммад шаҳарнинг жанубидан ёки шарқидан кўринишга жазм этмади. «Занжирни узишга уриниб кўрсаммикин?» Бунга ҳам имконият йўқ, чунки шаҳар девори устига ўрнатилган тўплар тўппа-тўғри кўрфазни нишонга олиб туришарди. Қани энди кемалари нариги томонда бўлса! Умуман уларни бошқа соҳилда барпо этса бўлармиди? Йўқ, бўлмасди, сабаби у томонда бирорта кемасозлик майдони йўқ. Улар қирғоқ бурунларига урилишлари ва қитъа кўрсаткичи ёнидаги гирдобда соҳиллар орасида илиниб қолишлари мумкин эди. Таваккал қилиб кўрсинми? У денгизчи муҳандисларга маслаҳат солди. Улар бир синашиб боқишга, ўз навбатида Муҳаммад эса бунинг учун катта мукофот беришга ваъдалашдилар. Қуруқлик оша етмишта енгил кемани Қора денгизга судраб олиб келиб, тўлиқ жиҳозланган аскарлари ва замбараклар билан сузишга қўйиб юбордилар. Унчалик катта бўлмаган бу денгиз кучлари шаҳарга орқа томондан ҳужум қилишиб, қуршовни дарз кетдиришди. Муҳаммад ғарб томондан зарба бериб, қалъа деворининг йиқитилган жойидан эски шаҳарга бостириб киришга муваффақ бўлди. Қонли жангда сўнгги император Константик ўлдирилди. Венеъияликлар ва генуяликларнинг кемалари кўпгина насронийларни омон сақлаб қолдилар. Ниҳоят, қудратли Константинопол шаҳри таслим бўлди. Бу воқеа катта сиёсий аҳамият касб этмади, чунки турклар юз йиллар мобайнида Болқонда хўжайинлик қилиб турдилар. Лекин мазкур ғалабанинг бошқача бир аҳамияти бор эди. Қадимий маданият соҳиби бўлган бу шаҳар собитқадам черков маркази ва азалий императорлар маскани бўлиб бўлиб келганди. Унда бутун Оврупо ардоғидаги Авлиё София кафедрал собори жойлашган. Шу сабабдан ҳам шаҳарнинг қўлдан кетишидан бутун қитъа

оғир қайғуга чўмди. Ойдинлар шаҳарни тарк этишаркан, қадимий адабий хазинани ўзлари билан олиб кетиб, Оврупони бойитдилар. Бироқ қитъа аҳолиси бу йўқотишни ҳеч қачон унута билмади ва туркларни ҳам авф эта олмади. Шу даврдан бошлаб Овруподаги ҳар бир қўл туркларга қарши чўзилаверадиган бўлди. Қитъадаги барча халқлар бирин-кетин улар билан курашиб чиқдилар, шу тариқа уруш тўрт юз йил давом этди. Насронийлар 1492 йили Ғарнотадаги сўнгги мусулмон подшоҳлигини барбод қилмагунларича унга ҳужум қилавериб аламларидан чиқдилар.

МУҲАММАД ФОТИҲ. Бундай унвонга у фақат Константинополни забт этганлиги учун эмас, балки кўп марталаб зафар қучганлиги туфайли сазовор бўлган. Хунёди ҳали турк ерларига юриш қилиб турарди. Муҳаммад ҳам ўз навбатида 1456 йилда Сербиянинг пойтахти Белград шаҳрини қамал қилди. Шундай бир пайтда Хунёди вафот этиб, Муҳаммад эса ғолибона юришини давом эттирди. У 1458 йилда Сербияни, 1458 ва 1461 йиллар оралиғида Босния билан Ҳеръеговинани эгаллади. Бу минтақаларда кўпчилик Ислом динини қабул қилди. Шу йиллари туркларнинг денгиз кучлари Эгей баҳридаги оролларни босиб олди. Бироқ ҳар қадамда Венеъия ва Генуяга мададкор бўлиб келаётган машҳур Искандар бошчилигидаги Албания бир чеккада қолаётган эди. Искандарбек вафотидан кейин 1467 йили бу малакат ҳам босиб олинди. Ана шу ғалабалар Оврупони таҳликага солиб қўйди. Мусулмонларнинг бошқа бир шохобчаси қитъада шарқ томондан ҳам хуруж қилаётган эди. Венеъия, айниқса, ташвишга тушиб қолди. Усманийлар Византияга қарам барча Эгей оролларини эгаллаб, Венеъия билан Русиянинг кўпгина тижорат бозорлари жойлашган Қора денгиз бандаргоҳларига олиб борадиган савдо йўлини ёпиб қўйдилар. Ҳаяжонга тушган Папа яна «Насронийлар хавф остида!» деган эски даъват билан навбатдаги салиб юришини уюштиришга чоғланди. У ҳатто маълум натижага эришди ҳам. Можаристон билан Венеъия жангга ҳозирлик кўра бошлашди, бироқ бундан ҳеч нарса чиқмади. Бетайинликдан чарчаган турклар орқага қайтиб кетдилар. 1469 йили Долматия ва Хорватия, 1470 йили Адриатика денгизидаги Негропарте бандаргоҳи эгалланди. Венеъияликлар Форс билан иттифоқ тузиб, шохни шарқдаги туркларга қарам ўлкаларга ҳужум қилишга тезлашди. Форслар жангга отландилар, лекин турклар 1473 йилида Эрзинжонда уларга зарба берганларидан кейин Венеъия томонга бурилиб, шимолий Албаниядаги бир қанча шаҳарларни ҳам қўлга киритдилар. Венеъия денгиз кучлари Скутарига ҳужум қилди, турк

денгизчилари эса Адриатикага сузиб кирганларича Венеъиянинг ўзини нишонга олишиб, уни муомалага ўргатиб қўйганликларидан ташқари кўп кулфатларга сабаб бўлган урушга чек қўйган сулҳ битими имзоланишига ҳам бошлаб келдилар. Турклар юқори Албанияни, Негропартени, Эгей оролларини ишғол қилдилар. Қора денгизда савдо қилиш ижозати учун Венеъия ҳар йили султонга 10 минг дукат тўлаб туришга рози бўлди.

МУҲАММАДНИНГ ҲУКМДОРЛИГИ. Муҳаммад фотиҳликда ҳам, маъмур сифатида ҳам буюк эди. Константинополни эгаллагач, у насронийлар ва юнонларга шаҳарда қолишга рухсат берди, ҳатто юнонларнинг қабила бошлиғи Геннадиосни турк ерларидаги барча насронийларнинг дин пешвоси сифатида қабул қилди, арман черковини ҳам эътироф этди. Янги сарой ҳамда подшоҳ қулларини ўқитиш учун мактаб қурдирди ва янгича ўқув тартибини жорий этди. Хорижий юртларнинг элчиларини султонга рўпара бўлишларига қадар қабул қилиб туриш учун бош вазирга ўз саройига эга бўлиш ихтиёри берилди. Бу сарой Боби Али (Катта дарвоза), Оврупода эса «Гранд гейт» ёки «Сублим порте» деб ном олган. Кучқувватга тўлган Муҳаммад улуғ ниятлар билан яшарди. У, шунингдек, шеърият ва санъатга ихлос қўйган маданиятли киши эди. Ислом тадқиқотларига зўр мухлис бўлган Муҳаммад, айниқса, форс шеъриятини жуда севарди, юнон маданиятига қойил қоларди. Бир куни унга Рагуси шаҳридан юнон қўлёмаларини ҳадя қилиб келтиришганди. У ҳуқуқшуносликни йўлга қўйди, мактаб очдирди, масжидлар ва касалхоналар қурдирди, ғоят илғор дунёқарашга эга бўлганлиги учун фанлар ва билим соҳасига ҳомийлик қилиб турар, фозилу фузалолар билан мулоқотдан жуда роҳатланар эди. У бутун Оврупода ажойиб инсон сифатида танилди. Венеъиялик рассом Беллини унинг тасвирини акс эттирган.

САЛИМ I (1512-1520 йиллар). Муҳаммад ўрнига келган унинг ўғли Боязид отаси каби жанговарлик фазилатларига эга бўлмаса-да, ақлий меҳнатни ва санъатни севишда ундан қолишмасди. Унинг султонлик даврида венеъияликлар Қибрисда ўзларига қўрғон яратиб, шу ердан туриб турклар билан олишмоқчи бўлдилар, бироқ турк адмирали Камол Раис денгиздаги катта жангда уларни енгиб чиқди. Турк денгизи кучлари Лепантони, Модонни ва Юнонистоннинг ғарбий соҳилидаги Коронни забт этди. Умуман турк қўшинлари Венеъиянинг асосий ҳудудига кириб, Вайсенъиягача етиб

борди. Турклар учун жуда муҳим бўлган шундай бир пайтда Венеъия сулҳ сўради. Боязид салтанатининг охирги йилларида ўғиллари унга қарши қилич кўтариб чиқдилар. Ўзаро олишувларда катта шаҳзода Салим ғолиб келди. У ўзининг буюк жангчи эканлигини кўрсатиб, форс шоҳи Исмоилни енгди, сўнгра Шом томон от сурди. Шоҳ Исмоилнинг дўсти билан мамлук Султон Консоч ал-Фурий унга катта қўшин билан қарши чиқди. Шунга қарамасдан, 1516 йил 24 августда Марж Дабиқда Салим мамлуклар устидан ғолиб чиқди. Консоч жангда ҳалок бўлиб, Салим Ҳалаб ва Дамашқни истило қилди. Янги мамлук султони ўзи устидан Салимнинг ҳукмронлигини тан олмаганлиги оқибатида Салим 1517 йил 22 январда Мисрга бостириб бориб, Қоҳирани эгаллади. Буржи мамлуклар империяси қўлга киритилиб, уларнинг сўнги султони Туманбей қатл этилди. Қоҳирага турклардан додхоҳ-ҳоким тайинланиб, унга ҳарбий қисмлар ажратиб берилди. Бироқ ички маъмурият эски ҳолича қолган эди. Маккаи шариф таслим бўлди. Шундай қилиб, Салим бепоён Шарқий империя соҳиби бўлди. Бироқ у қайтиб келаётиб, йўлда қазо қилди. Бор-йўғи саккиз йил ҳукм сурган бўлса-да, ўзини танитишга улгурганлиги учун ҳам унинг ўлими бутун Оврупода шоду-хуррамлик уйғотиб, Папа Лео X ҳозирлаётган салиб юриши ҳам кечиктирилди. Салим катта лашкарбоши ҳамда маданиятли инсон эди. У шеъриятни севиши билан бирга ўзи ҳам шоирлик қиларди. Салим Қоҳирада аббосийларнинг иккинчи авлодига мансуб сўнги халифани асир оларкан, уни барча ваколатларидан маҳрум этиб, Константинополга, яъни ҳозирги Истанбулга олиб келди.

СУЛАЙМОН МУҲТАШАМ (1520-1566 йиллар). Усманий султонларининг энг буюги – Салимнинг ўғли валиаҳд Сулаймон бўлди. У кўп жиҳатдан улўф ҳукмдор, Венагача етиб бориб, уни ҳам қамал қилган фотиҳ эди. Шаҳарни ола билмаса ҳам, унда ўз ҳокимиятини ўрната олди. Давлат арбоби, ҳукмдор сифатида турк ҳарбий-денгиз кучларини устуворлик даражасига етказиб, овруподаги ҳар қандай шаҳаншоҳнинг ҳавасини келтирадиган иш қилди. Насроний давлатларининг барча найранглари кетма-кет чиппака чиқариб, уларни яхшилаб адабини ҳам берди. Форс билан жанг қилиб, Ироқни босиб олди. Саройнинг шуҳрати, куч-қудрати ва ҳашамати туфайли у тарихчиларга Сулаймон Муҳташам сифатида маълумдир. Севимли хотини рус чўри аёли Роҳилананинг таъсири унинг ягона ожизлиги эди. Малика Сулаймонга ўғил ҳадя этган бўлса-да, унинг катта ўғли Мустафони азобга қўйди. У отасининг ўзига нисбатан совуқ муомаласидан эзиларди.

МОҲАК ЖАНГИ (1526 йил). Сулаймон подшоҳлигидаги биринчи воқеа Миср истилосининг ниҳоясига етказилиши бўлди. У ўз тасарруфига олган янги давлат ҳукуматини қайта ташкил этиб, турк додхоҳ-ҳокимининг назоратини кучайтирди. Сулаймон қўлга киритган иккинчи мамлакат Можаристон ва Австрияга юришлар ташкил қилиб турди. 1526 йили можар қироли Луис Сулаймонга қарши катта қўшин ташлади. Турклар у билан машҳур Моҳак жангида тўқнашиб, йирик ғалабага эришдилар. Қирол Луис жангда ҳалок бўлди. Улар шимол томон илгарилаб бориб, Офенни ҳам қарамоғига олиб, орқага қайтдилар. Чунки Можаристонда, бир томондан, Ҳабсбург валиаҳди Фердинанд билан Австрия ҳокими, иккинчи томондан, можарларнинг донгдор раҳнамози Жон Заполя ўртасида фуқаролар уруши келиб чиққан эди.

ВЕНА ВА РОДЕЗИЯ ҚАМАЛИ. Икки йилдан кейин Сулаймон Офенни қайта забт этиб, Венага ҳужумини давом эттирди. 1529 йили сентябрда бу машҳур шаҳарни қуршаб олиб, икки ой давомида унга ҳужум қилиб турди. Бироқ қиш кириб, тез-тез ёғадган қор аралаш ёмғирлар турк қўшинларининг ҳаракатларини мушкуллаштириб қўйди. Оғир қурол-аслаҳаларни етказиб келтириш қийинлашди. Шундай вазиятда шаҳзода Фердинанд ўзи ғарбий Можаристоннинг қироли сифатида тан олингани тақдирда Сулаймонга товон тўлаб туражаклигини билдирди. Сулаймон бунга икки йилдан кейин розилик бераркан, Шарқий Можаристонга Заполяни ҳоким қилиб тайинлади. Улуғ Сулаймонга у ҳар йили товон тўлаб турарди. Султоннинг тажовузкорона сиёсати Оврупода ғулғула уйғотди. У навбатдаги зарбани Родезия оролига – туркларнинг савдо кемаларига ҳужум қилавериб Эгей денгизини хавfli жойга айлантирган авлиё Жон ташкилоти аъзолари қароргоҳига қаратди. Уюшма қуролбардорлари жасурана жанг қилганликларига қарамасдан, турклар оролни қўлга киритдилар. Улуғ Сулаймон мағлуб қуролбардорларга илтифот кўрсатиб, уларга ўз қурол-аслаҳаларини олганлари ҳолда муносиб равишда чиқиб кетишларига ижозат берди. Бундай олийҳимматлик султонга Оврупода катта ҳурмат келтирди.

АДМИРАЛ ХАЙРИДДИН. Сулаймон энди ҳарбий денгиз кучларига ҳам эътибор бера бошлади. Тунис кўрфазида хизматда бўлган машҳур денгиз

қароқчиси қизилсоқол Хайриддин Барбароссани ўзига адмирал қилиб тайинлади. Хайриддин аллақачон насронийларнинг савдо кемалари учун даҳшат бўлиб танилганди. Бу йирик ҳарбий-денгиз дарғасининг жасорати мисоли бир эртак эди. У шитоб билан сузиб, белгиланган маррага чамадаги муддатдан илгари етиб борарди. Ислоннинг бу курашчисига денгизда қарши турадиган рақиб йўқ эди. У Сулаймоннинг таклифини қабул қилиб, дарҳол ўзига билдирилган ишончни оқлашга киришди. Ўз жаноби шарафига Тунисни забт этганлиги унинг биринчи ютуғи бўлди. Шундан кейин у италян адмирали Андреа Дореага чап бериб, Сиёилия ва Жанубий Италияга қарши ҳужумга ўтди. Венеция бунга жавобан Папа ёрдамида турклар империясига уруш эълон қилди. Папа сурункали салиб юришлар ғоясидан воз кечган ҳолда мусулмонларга қарши иттифоқ тузиб, ўзи ихтиро этган уйғун ҳаракатларни «Насроний қиролларнинг янги иттифоқи», «Муқаддас уюшма» деб атади. Карл V, Ҳабсбург императори ва Венеция ҳам унга қўшилдики, бу Хайриддин учун яхши баҳона бўлди. У венецияликларга ҳужум қилиб, 1538 йилда Привенсан жангида уларни тор-мор келтирганидан кейин Венеция сулҳ сўраб, йирик солиқ тўлади. Султон Қизил денгизда ҳарбий кучларни барпо этгач, кўп ўтмай, турклар Яман ва Аданни босиб олдилар, уларнинг сувдаги ҳарбий кучлари эса Форс кўрфази ҳамда Ҳиндистон соҳиллари томон йўл олдилар.

ЯНА МОЖАРИСТОН. 1540 йилда Заполя вафот этди. Шаҳзода Фердинанд Шарқий Можаристонни истило қилиш мақсадида ҳужумни давом эттираётган Сулаймонга берган ваъдасига вафо қилмади. Бу эса унга қарши чиқмоқчи эканлигини англатарди. Шуни тўғри тушунган Сулаймон зудлик билан жавоб чораларини кўриб, шимолга йўл оларкан, Можаристоннинг пойтахти Будани истило қилди. Заполя балоғатга етмаган ўғлини ўрнига қолдирган эди. Сулаймон эса Шарқий Можаристон ишларига ваколатли қилиб ўз ҳокимини белгилади. Рақиб кучларининг жуда катта устунлигини кўрган шаҳзода Фердинанд 1547 йилда сулҳ сўради. Ҳатто у император сифатида отаси ўрнини эгаллаганида ҳам солиқ тўлаб турди. Кенжа Жон Заполя улғайганида унга Трансилванияни бердилар. Можаристонни Сулаймон ўз ихтиёрида қолдирди.

СУЛАЙМОННИНГ ҲУКМДОРЛИГИ. Ўттиз олти йил давр суриб, ўз замонасида энг кучли шаҳаншоҳлардан бири сифатида танилган Сулаймон 1566 йилда вафот этди. Форс билан урушлари натижасида у шарқда

форслар юрти сарҳадларидан Жазоиргача, шимолда деярли Венадан тортиб жанубдаги Адангача бўлган кенгликни ўз ичига олган Месопотамияни империясига қўшиб олди. Хотини Роҳилананинг найранглари сабабли ҳаётининг сўнгги йиллари анча кўримсиз ўтди. Лекин у усмонийларни дунёвий давлатга айлантира олди. Мурод, Салим I ёки Муҳаммад II даражасида бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда у ажойиб ҳарбий ташкилотчи ва омилкор раҳбар эди. Умуман, белгиланган тадбирларини муваффақиятли амалга оширди. Ўз душманларига нисбатан хатти-ҳаракатларида ҳеч қачон қўполлик ва шафқатсизлик қилмаган. Ўзига додхоҳлар танлашда моҳирона иш тутди, қўшинлари ва ҳарбий-денгиз кучларини такомиллаштира борди. У адолатли ва қатъий қарорлар қабул қилгувчи, ҳурфикрли киши эди. Рағбатга муносиб одамларга нисбатан ҳамдардлик ва олийжаноблик кўрсата олар, лекин зарур ҳолларда жазо чоралари қўллашда ҳам ғоят қаттиққўллик қила биларди. Додхоҳми ёки вазирлигидан қатъий назар, кишиларнинг билимсизлигига ва масъулиятсизлигига тоқат қилолмасди, давлат хоинларига шафқатсиз эди. Мардона жанг қилган зобитлар ҳамда жангчиларга ер бериб, энг муҳим лавозимларга кўтарарди. Улардан фақат ҳарбий ҳаракатлар пайтида султонга мададкор бўлишни ҳамда империя учун жанг қилиш лозимлигини пиёда ва отлик аскарларга сингдиринг, деб талаб қиларди. Маданиятли ва юксак маърифатли киши бўлган Сулаймон ўз тадбирларини кундаликларига қайд қилиб борди. У ҳам санъат ва ҳунармандчиликнинг саҳий ҳомийси эди, масжидлар, мадраса, мактаб, касалхона, кўприklar ва бошқа фойдали иншоотлар бунёд эттирди. Турк ҳуқуқшунослигини ислоҳ қилиб, тарихда қонуншунос сифатида ном қолдирди. Салтанатида мамлакат сокин бўлиб турганлигидан уни ҳамма ерда буюк ҳукмрон сифатида кўришарди.

САЛИМ II ВА ОВРУПО ДУНЁСИ. Сулаймон вафот қилиши билан унинг иккала катта ўғли Салим ва Боязид ўртасида кураш бошланиб, ака ёлиб чиқди. Салим ичкиликни яхши кўрса ҳам, маданиятли ҳукмдор эди. Машҳур отасидан унга куч-ғайрат, зиёлилик фазилатлари ўтган бўлса-да, унингчалик меъёр туйғусига ёки давлат арбобига хос фазилатларга эга эмасди. Дунё Салимнинг аждодлари давридагига қараганда ўзгариб кетиб, катта воқеалар юз бераётган эди. Шундай иккита йирик воқеа Оврупода содир бўлди: реформаъия деб номланган диний инқилоб юз бериб, насронийлар Папанинг диний ҳокимиятига қарши исён кўтариш билан эътиқод ва ибодат эркинлиги учун курашдилар. Улар роман католик

черкови билан алоқаларини узарканлар, ҳамма ерда ўз черковларини бунёд этиб, протестантлар деб атала бошладилар. XV асрнинг ўша даврида қадимий илмга ва янги уйғониб келаётган фанга қизиқиш кучайдики, бу ҳаракат реннесанс ёки фанда уйғониш номини олди. Дастлаб португалияликлар томонидан янги Қутб очилди, кейинроқ испанлар, улар кетидан эса инглизлар дунёни кашф этиш мақсадида бутун ер курраси бўйлаб изғидилар. Буларнинг ҳаммаси овруполикларнинг ўзларига ишончини ошириб, дунёқарашларини кенгайттирди. Осиё ва Америкада истилочиликни авж олдирган улар қудратли ҳарбий-денгиз кучларига ҳам эга бўлдилар.

ЛЕПАНТО ЖАНГИ (1571 йил 7 октябр). Тахт учун курашда Салимга италян қочоғи, яҳудий миллатига мансуб Жозеф Насси ёрдам берди. Бундан миннатдор Салим Нассини граф қилиб тайинлаб, подшоҳлик махфий кенгаши таркибига аъзо қилиб киритди. Ўша пайтда турклар Овруподаги иккита давлат – Ҳабсбург императори ва венеъияликлар билан жанг олиб боришаётган эдилар. Император Австрия, Можаристон, Испания ва Жанубий Италияга ҳукмронлик қиларди. Венеъия Ўртаер денгизи шарқидаги кучли тижорат давлати, сувга йўли очиқ давлат эди. Салимнинг бош вазири донишманд Муҳаммад Соқолли Венеъия билан дўстлашиб, Ҳабсбург императори Максимилиан устига ёпирилишни султонга маслаҳат берди. Бироқ Салим Насси гапига қулоқ солиб, Венеъияга қарши уруш очиш йўлини танлади. Венеъия эса шу пайтда Қибрисдан жангсиз воз кечишга рози бўлиб, урушга киришмади. Бироқ Насси Қибрисни эгаллаб, у ерда яҳудийларни жойлаштиришни жуда хоҳлаётган эди. Шу боисдан ҳам у султон Венеъияга қарши уруш бошланишини қаттиқ талаб қилиб туриб олди. Шу таклифга кўра, Салим 1570 йили жанг билан Кипрни эгаллади. Бундай вазият Венеъияни Испания билан иттифоқ тузишга мажбур қилди. Бу иккала давлат Папа ташкил этган янги муқаддас уюшмага аъзо бўлиб киришди. Насронийлар уюшмаси доирасида бирлашган ҳарбий-денгиз кучлари жуда катта қудратга айланиб, туркларга тегишли сувлар томонга йўл олдилар. Улар турк денгиз кучлари билан Юнонистоннинг ғарбий соҳилида, Коринф кўрфазида жойлашган Лепанто бандаргоҳида тўқнаш келдилар. Ўзига ортиқча ишонган, саройидаги мавқеига шахсий фазилатларидан кўра зодагонлар таъсири туфайли эришган Али Пошшо туркларнинг қўшилмаларига саркардалик қиларди. Кемаларнинг бошлиқлари унга ўз жойларидан жилмаган ҳолда насронийларнинг кучларини қарши олишни маслаҳат беришди. Лекин самимий

маслаҳатларни қабул қилмайдиган ўта қайсар киши бўлган Али Пошшо насронийлар билан дуч келган жойда савашиб, ғалаба қила олишини билдириб, кемаларига очиқ денгизга чиқишни буюрди. Насронийлар қўшилмасида олға боришда шамолдан яхши фойдалана оладиган олтита азим қурилмага эга бўлган 208 та кема мавжуд эди. Жуда катта жанг бўлди, насронийлар кўпдан бери шундай шиддат билан савашмаган эдилар. Ҳар иккала томон ҳам жуда кўп қурбонлар бериб, насронийлар ғолиб чиқишди, туркларнинг денгиз кучлари тор-мор келтирилди. Фақат Жазоир бейларбейига тегишли биттагина эскадра қутулиб қола билди. Лепанто жанги буюк ғалаба сифатида оламга жар солинди, бутун Оврупо тантана қилди. Бу Оврупо тарихида денгиздаги энг йирик савашлардан бири деб баҳоланиб келди.

ШУНДАН КЕЙИНГИ ВОҚЕАЛАР. Ўйлашдики, турк қудрати синдирилиб, унинг ҳарбий-денгиз кучлари мангуга йўқ қилинди. Овруполиклар бутун бир йил давомида ана шу қувончли бир фикр билан яшадилар. Бироқ уларнинг турклар ҳалокати муносабати билан жўш урган шодликлари узоққа бормади. Ҳукмдор сифатида у қадар ғайрати жўш урмас Салим бу гал ўзига хос бўлмаган жадал сафарбарлик кўрсатди. У бутун куч-имкониятларини йиғиб, янги адмирал Драгут ихтиёрига юборди. Илгари унга буюк Хайридин Пошшо ноиблик қилган эди. Ўзлари вайрон қилган денгиз кучларидан ҳам қудратлироқ янги кемалар қўшилмасини вужудга келтириш хусусида амр берди. Турк кемасозлари бутун йил давомида кечаю кундуз меҳнат қилиб, Али Пошшонинг қайсарлиги сабабли нобуд бўлганидан ҳам каттароқ денгиз кучларини барпо этдилар. Султон Драгутни ана шу янги ҳарбий қўшилмага саркарда қилиб тайинлаб, ундан насронийларнинг бекорчи сандирақлаб юрувчи бирлашган денгиз кучларига етиб олиб, яксон қилишни буюрди. Кишилар Дон Жонни турк кема қўшилмаларини ҳеч бўлмаганда Мореа (Қуйи Юнонистон)ни босиб олиш ниятида таъқиб қилиб бормаганликда айбладилар. Лекин бу айблов асоссиз эди. Чунки тўхтаб қолишга испанлар билан венецияликлар орасидаги рақобат, уларнинг сиёсий мақсадлари бир-бирига тўғри келмаслиги сабаб бўлган эди. Испанлар Шимолий Африқони, энг бўлмаганда туркларга бўлган Жазоир ва Тунисни эгаллашни хоҳлаётган бўлсалар, венецияликлар ўзларига Қибрисни қайтариб олишни кўнгилларига туккан эдилар. Бир йил ўтгач, даҳшат солувчи Хайридин Барбароссанинг қўрқинчли ноиби Дрот туркларнинг илгариги денгиз кучларидан анча устун бўлган ўз кемалари қўшилмасини бошлаб келди.

Адмиралнинг ўзи ҳам анойилардан эмасди. Денгиз қўшинларининг бу йирик саркардаси Дон Жонни айна Адриатика денгизида тор-мор келтирди, иттифоқчиларнинг бирлашган кемалари эса жангдан қочиб қолдилар. Драгут шундан кейин ғарбга йўналиб, 1573 йилда Тунисни қайтариб олди. Венецияликлар ўзларининг Қибрисни босиб олишлари тўғрисидаги орзулари қандай барбод бўлаётганлигини кўриб турардилар. Улар султон билан ўзаро сулҳ тузарканлар, туркларнинг денгиз кучлари ҳар қачонгидан қудратли эканлигини ишонч ҳосил қилиб, Қибрисни забт этишга қаратилган барча даъволаридан воз кечдилар ва 300 минг дукат ҳажмида товон тўлашга рози бўлдилар. Бу пуллар янги ҳарбий кемалар қўшилмасини жиҳозлашга сарфланди. Драгут энди Ўртаер денгизида истаганича суза оларди. У Испания, Фарангистон соҳилларигача келарди. Сардиния ва Сиёилия унинг ҳар йили ташриф буюриб турадиган ерлари бўлиб қолди. Шундай қилиб, у ўғирланган кўплаб бойликка ва қулларга эга бўлди. Унинг бошқа бир мақсади ҳали ҳам туркларга тегишли бўлган Ўртаер денгизида ҳеч ким султон давлатига қарши бош кўтаролмаслигини намойиш қилишдан иборат эди. Кўп ўтмай, Оврупо мамлакатлари Лепанто яқинидаги ғалабаларини унутиб юбордилар.

БОШ ВАЗИРЛАР. МУҲАММАД СОҚОЛЛИ. У фақат давлат арбоби сифатидаги донишмандлиги ва империя маъмуриятини моҳирона бошқариши билангина қадрли бўлмасдан, империяга юз йил мобайнида бошчилик қилиб, унинг қудратини сақлаб қолган бош вазирлар сулоласининг тўнғичи сифатида ҳам ҳурмат-эътиборга моликдир. Султонлар тобора кучдан толиб боравердилар, уларнинг заифликлари гоҳ қайсарлик, гоҳида бемаъниларча серғайратлик, кўпинча қатъиятсизлик шаклида намоён бўлиб турарди. Ўша даврдаги турк султонлари томирида Усмоннинг қони жўш урарди. Уларнинг оналари ёки маликалар асосан чўрилар ёхуд давлат ишларига аралаша бошлаган хотинлар эдилар. Султонлар кўнгилларига келган ишни қилишиб, айш-ишратда яшай бошлашди. Истилочилик ҳам тўхтатилди. Чунки Оврупо бутунлай уйғонган, янги ихтиролар туфайли Оврупо қурол-аслаҳалари туркларникига қараганда тобора такомиллашиб ва яхшиланиб бораётган эди. Шу боисдан султонлар ўз давлатларининг ташвишларини кўпроқ бош вазирларига ишонадиган бўлиб қолдилар. Муҳаммад Соқолли ана шундай вазирлардан эди. Империя бахтига у фикрловчи, Ислом шуҳрати учун курашувчи истеъдодли инсон бўлиб чиқди. Ўртаер денгизи билан Қизил денгизни қўшиш учун Сувайш каналини қазийш ғоясини Оврупода биринчи бўлиб кўтарган ҳам шу Муҳаммад эди. У шимолда Русиядаги Дон ва Идел

дарёларини ҳам шу усулда бирлаштиришни таклиф қилди. Осонликча бошқариладиган кичик кемалардан кучлар вужудга келтириб, улар билан Каспий денгизи орқали Туркиянинг доимий рақиби Форсга шимолдан ҳужум қилишни кўнглига тугиб қўйди. Шу даврга келиб турклар империяси буюк давлатга айланган, Қора денгиз, Ўртаер, Қизил ва Араб денгизларининг ҳарбий кучлари тўлиқ улар назоратига ўтган эди. Муҳаммад Соқоли империяни самарали бошқариб, яна ҳам бой-бадавлат мамлакатга айлантириш мақсадида алоқа воситаларини яхшилашга катта куч-ғайрат сарфлади. У барча ниятларига етганлиги туфайли Салим II подшоҳлиги турк империясининг барқ уриб яшнаган даврига тўғри келди. Шунга қарамасдан, 1574 йили якун топган бу подшоҳлик усмонийлар шуҳрат таратган даврнинг сўнги палласи ўлароқ турклар тарихида бурилиш нуқтаси бўлди. Салим вафотидан кейинги юз йилликда ҳам ўз кучларини сақлаб қолган султонлар тобора заифлашиб, ички парокандаликка ва ташқи душманларга ҳам дуч келдиларки, уларни енгишлари энди анча мушкул эди. XVII асрда унчалик сезилмаган бу жараён XVIII асрда жадаллашиб кетди.

ИМПЕРИЯНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ. Султон давлатнинг том маънодаги бошлиғи эди. У ҳукумат раҳбари, қўшинларнинг бош саркардаси, маънавий раҳнамо, яъни шариат масалалари ҳаками ва олий қози ҳисобланарди. Кейинчалик султонлар фақат империясинигина эмас, балки барча мусулмонларнинг диний муаммоларини ҳал қилувчи халифаларга ҳам айландилар. Турклар таназзулга учраб, султонлар шошилини ёрдамга муҳтожлик сезган даврларда бу уларга жуда катта имтиёз ва руҳий мадад бериб турди. Биз юқорида қараб чиққан юз йилликлар мобайнида султон ҳокими мутлақ бўлиб, унинг сўзи қонун ҳисобланарди. У таниқли шахслар ва оддий фуқаро тақдирини ҳал қила оларди, илгариги ъезарларда бўлгани каби турклар тасарруфидаги ҳамма ерлар унга қарам эди. Битта фарқ шунда эдики, султон ҳамиша инсонлигича қолиб, ҳеч қачон ъезарчалик бирорта имтиёзга даъвогарлик қилмади. Ундан кейин турадиган бош вазирларга ҳам катта ҳуқуқлар берилганди. Вазирлар муайян идораларга бошчилик қилишарди, лекин бейларбей лавозими вазирликдан устун туриб, у бутун минтақага ҳарбий саркарда ҳисобланарди. Бундай минтақалар эса иккита эди: Румели ва Онодўли (Оврupo ва Кичик Осиё). Ҳар иккала минтақа бейларбейлари жуда нуфузли давлат арбоблари эдилар. Улардан кейинги сафда Румели ва Онодўли молия маъмурлари туришарди. Ҳукуматнинг бошқа бир аъзоси –

жоннисорлар оғаси денгиз бейларбейи саналарди. Бош вазир барча вазирларни маслаҳатга йиғиб, сўнгра султонга империядаги аҳволдан ҳисобот берар, давлат раҳбари шунга қараб бирор қарорга келар эди. Вазирлар маҳкамаси қандайдир жуда муҳим қарор чиқариш учун султоннинг ижозатини олиши шарт ҳисобланарди.

МАЪМУРИЙ ИДОРА. Иккита кичик қироллик бошида ҳам бейларбей турарди. Анчадан кейин Африқо бейларбейи вазифаси ҳам жорий этилди, бироқ у юқоридаги икки бейларбейга нисбатан тобелик мавқеида эди. Кичик қиролликдан пастроқ поғона санжақларга тегишли бўлиб, оддий тилда чекка вилоят деб аталмиш бу маъмурий бирлик раҳбари ҳарбийчасига саркарда деб юритиларди. Бейларбейи ҳуқуқи берилган саркарда раҳнамолигида бейлар санжоқларни бошқариб туришарди. Султонлар ҳарбий хизмат эвазига ер ҳадя этишарди. Бундай мукофотлар тобора кўпайиб борганлиги натижасида вақти келиб бутун бир тоифа вужудга келди. Тортиқ қилинган ана шундай жуда катта ерларнинг эгалари султон қўшинларида хизмат қилиш учун суворийлар етказиб беришлари лозим эди. Шу жиҳатдан ҳам ҳарбий хизмат энг фахрли касб саналиб, жангда кўрсатилган жасорат сахийлик билан рағбатлантирилар эди. Сулаймон Муҳташам ўзининг «Қонуннома» китобида ерларни инъом этишга, ерлар эвазига бериладиган тўловларга ва турк баёнларининг бу соҳадаги ҳаддан зиёда ваколатларини чегаралашга доир қонун-қоидалар ёзиб қолдирган. Мусулмон қонунлари асосида иш кўрувчи ҳамда уларни шарҳлаб берувчи қозилар ва муфтийлар ҳам бор эди. Гарчи қози ўз соҳасида юксак мавқега эга бўлса-да, вилоятларда олий ҳокимият ҳарбий бошлиқлар, кейинчалик ҳокимлар қўлидан тушмади. Пойтахтда катта имомлар ёки шаҳар қозиси бўлиб, улар фақат бош вазирга, у орқали султонга итоат қиларди.

АДАБИЁТ. Узоқ давр форсий оҳанглар, тимсоллар ва ифодалар таъсирида бўлиб келганлиги сабабли турк адабиёти янгилик бобида анча кечикди. Мавлоно Румийнинг форсча ёзилган буюк маснавийси ўша пайтдаги Рум салжуқлари, бевосита турклар салафларининг энг йирик достонидир. Пайғамбар алайҳиссалом таваллуд топган кунга бағишлаб Султон Чалабий битган «Мавлуди Шариф» асари ҳар томонлама салмоқли турк достони ҳисобланарди. Дастлабки миллий ёзувчиларнинг пайдо бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар Муҳаммад Фотиҳ даврига тааллуқли бўлса ҳам,

Мурод II адабиётга ихлос қўйган биринчи султон бўлди. У шоирлар, файласуфлар ва олимларни ўз атрофига тўплади. Илк давр шоирларидан тўрт кишининг исм-шарифларини эслатиб ўтиш эътиборга моликдир: Фузулий (1562 йилда вафот этган), Боқий (1600 йилда вафот этган), Нафий (1635 йилда вафот этган), Нодим (1732 йилда вафот этган). Бу шоирлар асрлар бўйи ардоқланиб келинган ғазал, қасида ва маснавий сингари шеърини усулларга мурожаат қилганлар. Ғазал – бу ишқий, фалсафий ёки илоҳий мавзуга бағишланиб ёзилган тўққиз байтдан ўн беш байтгача бўлган дostonдир. Қасида эса бирор йирик шахс, шоҳ ёки фотиҳ шаънига мадҳиядан иборат. Маснавий ишқ-муҳаббат ёки илоҳий мавзудан ҳикоя қилади. Адмирал Пири Риеснинг «Саёҳатнома»си биринчи насрий асар саналади. Бу китобда Ўртаер денгизи атрофидаги мамлакатлар ва бошқа давлатларга уларнинг ҳарбий-денгиз юришлари орқали таъриф-тавсиф берилади. Буюк турклар инқирозига яқин қолган бир даврда турк адабиёти ўз ривожланишида юксак даражага кўтарилган эди.